

**Андижон давлат университети хорижий филология факультети инглиз тили ва адабиёти йўналиши 1-босқич 111-гурух талабаси
Маҳмудова Муаттарнинг “Озод ва обод Ватанга бахшида умр” ва
“Ислом Каримов асарларининг баркамол авлод тарбиясидаги
аҳамияти” мавзусида ёзган ишоси**

Режа:

1. Ватан – қалбим садоси
2. Мустақил давлатимиз асосчиси
3. Ислом Каримов – ўткир қалам соҳиби
4. Буюк инсон бошлаб берган йўл
5. Юракларда яшайсиз, азиз юртбошим!
6. Юрт ҳимояси – энг олий шараф

Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу даъват барчамизнинг қалбимииздан чуқур жой олди. У киши “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак”,-деган сўзнинг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

(Шавкат Мирзиёев)

Ватан! Шу кичик қарогимга сингтан умр баҳоримни бахшида этганим.

Ватан! Арифингдаги зилол сувга юзим чайганим, ҳар тонг тандирингдан узилган иссиқ кулчангдан тотганим.

Кўзимга зиё, дилимга малҳамим.

Ватан! Файзли кўчаларингни обод этган гулингман. Сенинг тафтингдан нур олиб, бағрингда ўсиб-унганим. Ҳар тун онажоним алласини тинглаб, кучоғингда ором олганим!

Ватан! Шаффоф туйғуларим кўзгуси. Бу қўхна дунёдаги ёлғиз таянчим. Юрагим осмонида ўйиб битилган эзгу сўзимсан.

Ватан! Кўнгил ошёнимнинг маҳзун садолари. Ҳар бир оҳангода сенинг минг-минг ташбеҳинг. Лек улар сени таърифлай олмас. Чунки сен қўл етмас юлдузим, тубсиз денгиздаги марваридимсан.

Ватан! Бу борлиғимнинг бир парчаси, шарқироқ сойим. Япроқларга қўнган шабнамимсан.

Ватан! Юрагим қўърини “истило” этган “ғаним”имсан. Сенинг бу “истило”нг қалбимни шу қадар забт этдики, энди сенсиз яшамоқ мумкин эмас.

Ватан! Мен гулингман, осмонинг бўлгим келади. Сени севиб, сени куйлаб ўтувчи чечагингман. Бу мағрур бошим сен учун доим таъзимда!!!

Қайси давлат тарихига назар ташламайлик, халқининг дарди, миллатнинг қайғуси, унинг орзу-интилишлари, ўз элини мустақиллик деган бир улуғ неъматга олиб боришга қодир бўлган буюк шахсларни табиатнинг ўзи инъом этади. Албатта, бунинг бевосита асоси сифатида ўрта асрларда диёrimизда

муғуллар исканжаси авжига чиққан бир замонда Амир Темурнинг, шайбонийлар ва бошқа ҳукмрон табақалар ўртасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг, шўроларнинг, жадид уламоларимизнинг ватан, ҳалқ, озодлик йўлида ҳақиқий қалқон бўлиб майдонга чиқишганини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Замонамизнинг ана шундай буюк шахсларидан бири сифатида Ислом Каримовни юқорида келтириб ўтилган буюк шахсларга қиёсласак, асло муболага бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, Ислом Каримов маънан юксак фазилатларга эга бўлган, машҳур давлат ва сиёsat арбоби, талантли нотик, руҳшунос, шу билан бирга, эл-юртини, фуқароларини, айниқса, биз ёшларни севган ва ўз юртини ҳалқаро ҳамжамиятга танитган инсон сифатида ёдимиизда қолди. Мана шундай буюк шахснинг қийинчилик ва ташвишлар билан тўлиб-тошган ҳаёти ва фаолиятини кичик бир мақолада мукаммал даражада баён қилиш, мураккаб, албатта. Лекин унинг буюк шахс, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифатидаги ҳаёти ва серқирра фаолиятини ёритишда кўп кўп жилдли китоблар ёзишга арзиди.

Давлат арбобининг Ўзбекистон Республикасини янгидан ташкил топган мустақил мамлакат сифатида бозор иқтисодиёти, мукаммал инфраструктура, замонавий бошқарув аппаратини яъни тизимини яратишида, мамлакатда ҳал этилиши жумбоқ бўлган муаммоларни тўғри қарорлар билан ечишида амалга оширган ишлари таҳсинга лойиқдир. У Фаргона воқеалари, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Бўка ва Намангандаги юзага келган қонли тўқнашувлар, турли зиддиятлар авжига чиққан бир пайтда Республикани жар ёқасидан қайтара оладиган инсон сифатида майдонга чиқди. Унинг бу низоларни олдини олишдаги хизматларини бутун ҳалқимиз, шунингдек, хорижий давлат раҳбарларидан тортиб оддий ҳалқигача юксак баҳолагани барчамизга аён, албатта.

Биринчидан, Президент нафақат сиёsat борасида балки ўз мамлакатида бир хил иқтисодий инқирозлардан тортиб, оддий ҳалқининг масалаларида ҳам ҳақиқий қаҳрамонликлар кўрсатиб ўз олдига қўйган масалаларни мукаммал даражада амалга ошира олди. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тинчлик ва барқарорликни сақлашда, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишида, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишида, миллатлараро ҳамжихатликни асрарда, миллий армияни шакллантиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг манфаатларини йўлга кўйиш, ривожлантиришдаги хизматлари бениҳоя катта бўлди. Хавфсизлик борасида бугунги кунда инсоният учун салбий оқибатлар келтириб чиқараётган глобал муаммоларга: диний экстремизм, ҳалқаро терроризм, минтақавий можаролар масаласига алоҳида эътибор бериб, ҳалқаро ҳамжамиятни ҳам ушбу масалаларга жиддий ёндашишга чорлаб, БМТ, МДҲ каби бир неча ҳалқаро ташкилотлардаги чиқишларини таъкидлаш мумкин. Хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат арбобларининг фикрларига кўра: “И.А.Каримов Президент сифатида ўз фикрларини ўз мамлакати Ўзбекистонга ҳам, дунёга ҳам такрор-такрор баён қила олди”.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов она Ватанимиз озодлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида умрини бахшида этган юрт ўғлони сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирди. Ислом Каримов зукко иқтисодчи ва моҳир сиёsatчи бўлиши билан бирга ўткир қалам соҳиби ҳам эди. Унинг асарларида халқнинг ташвиши ва орзу-истаклари ва инсонларнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ ечимлар, одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари хар томонлама кенг камровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилганини кўриш мумкин. Айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар юзасидан қилган чиқишлирида фуқарорларнинг дин ва эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликлари, юртимизда диний қадриятларни қайта тиклаш, давлат ва дин муносабатларини тартибга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратган: “Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиласиз. Шу билан бирга, фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермокдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз. Бизнинг бу масалада йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин”.

Халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, биз ёшларнинг қалби ва онгини турли заарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва химоя қилиш масалаларига катта эътибор қаратганликлари таҳсинга лойик.

Кўриниб турибдики, Ислом Каримов ўз асаслари ва нутқларида мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт тизимини изчил ривожлантириш билан бирга давлат ва дин муносабатларини, муқаддас динимизни соғ ҳолда асрлаб-авайлаш, унинг халқимиз бирдамлиги, миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратганлар.

Шундай экан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ғоят муҳим, ҳал қилувчи масалалар ўртага қўйилган асарларини мамлакатимизнинг барча таълим масканларида ўқув қўлланмалар тарзида тақдим этилиши, биз, ёшларнинг диний ва дунёвий билимларни уйғунликда ўрганиш, юртимизда олиб борилаётган сиёsatни тўғри англаб етиш ва Ватангга муносиб фарзандлар сифатида камол топишимизда муҳим аҳамият касб этади.

“Дунёга келган ҳар бир инсон ўз толеъи билан туғилиб, бу унинг тақдирида акс этади. Аммо ўз тақдирида из қолдирган инсонлар саноқлидир”, - деган эди Суқрот.

Бир инсоннинг ўртача умр кўриш даражаси асрлар, даврлар олдида ҳеч нарса эмас. Лекин шундай қисқа умри давомида асрларга татигулик буюк ишларни амалга оширган, тарих зарваракларига ўз номини муҳрлаб кетган шахслар барча замонларда ҳам халқ онгida сақланиб қолади. Жаҳон миқёсидаги буюк давлат ва жамоат арбоби, эзгу ишлар бунёдкори,

мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам барчага ўрнак бўладиган ҳаёт кечириб, ҳалқимизнинг қалбидан жой олди. Мамлакатнинг энг мураккаб ва оғир бурилиш даврида унга йўлбошчилик қилиш учун куч топа олгани, буюк маданият ва тарихга эга бўлган ҳалқни ҳурликка етаклагани ва Ўзбекистонни ҳеч қайси давлатдан кам бўлмаган давлатга айлантириш йўлидаги ислоҳотлари, бугунги ёруғ кунларга эришиш йўлидаги событқадамлиги ва жасорати абадийликка муҳрланди. У ўзинингadolati, мардлиги, жасорати билан бутун Совет Иттифоқи “доҳий”ларини титратди. Бутун фаолияти давомидаadolatli сиёsat юритди. Улуғ йўлбошчимизнинг “Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор”,-деб айтган жумлаларининг ўзи ҳам фикримизни исботлайди.

Ислом Каримов буюк боғбон сифатида мустабид тузум даврида шундай ҳурлик ниҳолини экдики, бу ниҳол бир неча йиллар давомида илдиз отиб, ўз мевасини берди. У қадаган мустақиллик ниҳоли бугун буюк келажак сари жадал ривожланмоқда.

Қўзимда ёш, қалбимда бир энтикиш. Хаёл бехосдан шу инсоннинг қилган ишларини эслаш, уни қандай кўз олдига келтиришга қараб кетади. Оломон ичида оташин нутқлари, ўз жонига суиқасд қилишгача борган “сотқинлар”ни кечириши, унинг буюклигидан далолатdir.

У инсоннинг амалга оширган ишларини юқорида келтириб ўтдим. “Бизнинг қандай салоҳиятга эга эканлишимизни қўрмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг”,-деганлариdek, ўша иморатларга қаранг. Бошқа сўз айтишга ожизман. Биз мустақиллик ёшлари уруш кўрмай катта бўлдик. Жаннатмакон юртда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда ўсиб-улғайдик. Наҳот, битта инсоннинг осмондан туриб бизни қўллаётгани остида ўз юртимиз равнақига ҳисса қўша олмасак? Баъзи бир эркаклар ўз оиласини боқа олмайди. Аммо миллат отаси 25 йил давомида бизни едириди, кийинтириди ва тарбиялади. Еган нон-тузларимизни оқлашимиз шарт. Қолганларни билмадиму, лекин мен мана шу инсонни жуда ҳам яхши қўраман. Ва чала қолган ишимни давом эттираман. Ватанимиз равнақига оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаман!

Энди кўнглим хотиржам. Биринчи Президентни сиз билан бирга эсладим. Озгина бўлса ҳам кўзингизга ёш келди. Кўз ёшлар учун ёзилди, у инсонни соғиниш, қилган ишларини яна бир бор эсга олиш орқали.

Буюклар ўлмайдилар, улар ҳар доим тирик: қалбимизда ҳамиша мангу. Биринчи Президентимиз айтган ўша фикрларга амал қилсак ва уни амалда қўлласак, ишонинг, бизни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди. Шу жумладан, айни дамдаги Президент Шавкат Мирзиёевга ҳам ишонайлик. Биз мустақил давлатда яшётган баҳтиёр болалармиз. Қўлни-қўлга берайлик! Зоро, бизнинг давримиз келди. Биз сиз хоҳлагандек болаларингиз бўлишга ваъда берамиз, бобожон!

Бобожон, ҳали-ҳамон кўз олдимдасиз,
Буларнинг бари хаёл, туш, эртак.
Ҳеч қачон ўлмайди, ўзбек юртбоши,
Сиз мангу юрагим, ардоғимдасиз!

Ҳар бир ўзбекнинг ёди, юрагидасиз!

“Вақт – энг катта муаллим”,-деган бир ҳикмат бор ҳалқимизда. Озодликда, мутақилликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол бизнинг ҳаётимизда янги фаслни, умидлар барқ уриб гуллаган фаслни бошлаб берди. Бу фасл ғунчалари яйраб-яшнаб очилмоқда.

Мен эса бугун ҳам фахрдан, ҳам ғуурдан, ҳам кўксимга сифмаётган ҳайратдан ҳайқиргим келади, дунёларни тўлдириб.

Эй бобо қуёш! Эй тождори олам, кўряпсанми миллатимизни?! Кўряпсанми, ўзбек бобом авлодини?! Унинг шухратига, шаънига ҳавасинг келмаяптими сенинг, эй бобо қуёш!

Кеча эмасмиди, “Ўзбекнинг 90%и саводсиз”,-деб тамға босганлари. Кеча эмасмиди, ўзбек болаларини илмга қобилиятсиз, илмга лаёқатсиз деб ёзганлари.

Кеча эмасмиди, ўзбек фақатгина далада ишлашга қодир, унга кетмондан бошқасини ишониб бўлмайди деганлари.

Эй бобо қуёш! Эй олам тождори! Ахир сен гувоҳ эдинг-ку, Ўзбек бобом кудратига?!

Билардинг-ку, юртимиз дунё илму фанининг бешиги бўлганини?!

Билардинг-ку, миллатимиз дунёга қанчадан-қанча даҳоларни тарбиялаб берганини. Билардинг-ку, осмон илмига, тиб илмига, ҳадис илмига, ал-жабр ва бошқа кўплаб илмларга даҳоларимиз қўшган ҳиссасини.

Кўнгилдан кечётганларини ким биландир ўртоқлашгим келиб, қалбимда тутғён ураётган ҳисларимни қофозга тўкишга ҳаракат қиласман.

Бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг, ҳар бир ёшнинг қалбида бир олам орзу, чексиз ғайрат ва шижаат. Зеро, юрагида юрт ишқи бўлган ҳар бир фарзанд, жаннатмакон юртимизнинг шаънини, унинг довруғини юксакларга кўтаришни орзу қиласди. Бу орзулар менинг ҳам орзуларим, десам муболага бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистоним! Менга жон қадар жонажонсан. Қадди баланд, қадри баланд Ватанимсан. Сенинг истиқболинг улуғ!

Сен – келажаги буюк давлатсан! Қани энди, тезроқ улғайсам-у, бир новда бўлиб азим чинорга қўшилсам!

Ватаним корига ярасам!

Азиз бобожон! Буюк сиймойингиз қалбимизда мангу яшайди. Сизга муносиб фарзанд бўлиб, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссамни қўшишга ваъда бераман!

Зеро биз, ёшлар, Ватан келажагимиз!